

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

МЕНЕЖМЕНТ КАФЕДРАСИ

«Сифат менежменти тизими асослари» фанидан

РЕФЕРАТ

**Мавзу: Корхонада сифатни бошқаришни миллий тизимини
ташқил қилишни бошқариш**

Бажарди:

**43-11 М гуруҳи талабаси
Сирожиддинов Бахтиёр**

Қабул қилди:

А. Ачилов

Фарғона - 2014 йил

Режа

Кириш

- 1. Миллий стандартлаштириш маҳсулот сифатини бошқаришдаги ўрни**
- 2. «Ўздавстандарт» Давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва уларни корхонада қўллаш шартлари.**
- 3. Миллий тизимда сифатни ошириш ва сертификатлаштириш борасида қилинаётган истиқболли ишлар**
- 4. «Фаргонадонмахсулотлари» ОАЖ ишлаб чиқариш тузилмаси ва маҳсулот сифатини ташкил этиш таҳлили.**
- 5. Сифатни бошқаришда сертификатлаштириш самараси.**

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган ахборот ресурс манбалари

Кириш

Дунёни ривожланган давлатларида сифат билан таъминлаш, истеъмолчини талабини сифатли маҳсулотлар ва хизматлар билан қониқтириш, ишлаб чиқаришни замонавий усуллар билан бошқариш масалаларига чуқур эътибор бериляпти.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида қўлланиладиган ишлаб чиқариш, хўжалик ва тижорат усулларига жиддий ўзгартиришлар киритиш ва иқтисодиётни тубдан модернизация қилиш талаб этилмоқда. Улар орасида маркетинг тамойиллари ва усуллари алоҳида ўринни эгалламоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат муҳитини мавжудлиги сифат ва уни бошқариш муаммоларига катта аҳамият беришга мажбур қилади. Мамлакатимизни кучли ривожланган давлатлар қаторига киришда рақобат, кураш-сифатни ошириш дастурларини ишлаб чиқаришга сабаб бўлади. Маҳсулот ва хизматлар сифатини баҳолаш учун объектив кўрсаткичларни ишлаб чиқиш зарурияти туғилади. Сифат ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ўртасида тўғри боғланиш мавжуд. Сифатни ошириш-ҳаражатларни камайтириб, бозор улуши ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишга кўмаклашади

Бугунги кунда, иқтисодиёти ривожланган давлатлардаги машҳур брендга эга корпорациялар сифат менежментига асосланган бошқарув тизимига ўтиши ва тезкорлик билан халқаро бозорнинг улар томонидан интервенцияси сифат менежментини корхона муваффақиятидаги ўрнини яққол кўрсатди. Масалан Кока-кола компанияси салқин ичимликларининг сифати ва брендини истеъмолчилар эътиборини қозонганлиги натижасида, ҳаттоки Европа мамлакатларида ушбу ичимлик кофе маҳсулотлари билан ҳам рақобатга киришиб кетган.

Шунингдек, Президентимиз иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш каби тамойиллар айниқса дунёда авж олиб бораётган молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблиги ва ҳаётийлигини яна бир бор кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

1. Миллий стандартлаштириш махсулот сифатини бошқаришдаги ўрни

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ривожланган давлатлар тажрибасига асосланган ҳолда республикада стандартлаштиришнинг ҳозирги замон тизимини ва унинг қонуний базасини яратилишига жиддий эътибор берилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 мартдаги 93-сонли “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизимининг асосий принциплари белгилаб берилди. 1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва унинг ҳаётга тадбиқ этилиши мамлакатимиз тарихида муҳим воқеа ҳисобланади.

Қонун, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида стандартлаштириш масалалари бўйича давлат сиёсатини амалга оширувчи ягона механизм ва давлат бошқаруви меъёрларини ўрнатади. Стандартлаштириш масалалари бўйича манфаатдор томонларнинг давлат бошқаруви идоралари, жамоат бирлашмалари билан олиб борадиган ҳамкорлик ишининг шакл ва усуллари, умумий ташкилий-техникавий қоидаларини, стандартлар устидан давлат назоратини амалга оширишни, давлат инспекторларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, стандартлар мажбурий талаблари бузилган тақдирда, юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилайди.

Шу давр мобайнида, ушбу қонунга иккита ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Биринчи ўзгартириш 2000 йил 26 майда 82-II сон билан, иккинчи ўзгартириш 2003 йил 25 апрелда 482-II сон билан киритилди. Қонунга биноан “Ўзстандарт” агентлиги, стандартлаштириш соҳасида давлат сиёсатини шакллантиради ва амалга оширади, стандартлар ва техник шартлар мажбурий талабларини бажарилиши устидан давлат назоратини ва текширувини олиб боради, ҳудудий стандартлаштириш бўйича олиб бориладиган ишларда фаол қатнашади, стандартлаштириш соҳасида кадрларнинг профессионал тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил қилади, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида стандартлаштириш бўйича халқаро, давлатлараро стандартларни, қоидаларни, меъёрларни ва тавсияларни қўллаш қоидаларини ишлаб чиқади ва ўрнатади.

“Ўзстандарт” агентлиги, стандартлаштириш соҳаси бўйича фаолиятини ўз қошидаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти (СМСИТИ), стандартлаштириш ва метрология бўйича ҳудудий бошқармалар, Ахборот–маълумот маркази орқали амалга оширади. Агентлик қошидаги Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг 12 та вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган, жами 14 та бошқармалар фаолият юритади.

Стандартлаштириш ва метрология бошқармаларида, стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан назорат олиб боровчи давлат инспекторлари фаолият кўрсатадилар. Назорат олиб боришдан ташқари, улар томонидан меъёрий ҳужжатларнинг экспертизаси ўтказилади ва давлат рўйхатига олиш бўйича тегишли ишлар бажарилади.

Республика стандартлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боровчи ва бу соҳа бўйича ўқитишнинг ўқув-методик маркази бўлиб, СМСИТИ ҳисобланади.

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан “Халқаро тажриба асосида 2003-2010 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ва сифатни бошқариш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш Концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича Дастур” ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат 2003 йилнинг 26 мартида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ишларини ривожлантириш бўйича Идоралараро Кенгаш томонидан тасдиқланган. Концепциянинг асосий мақсади республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда унинг сифатини тубдан яхшилашга имкон яратадиган стандартлаштиришнинг халқаро тизимига босқичма-босқич ўтишдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон “Маҳсулотларнинг сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2004 йил 22 июлдаги 349-сон “Корхоналарда халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган сифатни бошқариш тизимини жорий этиш бўйича тадбирлар тўғрисида” ва 2004 йил 5 августдаги 373-сон “Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари стандартлаштириш Дастурида ҳамоҳанг бўлади.

Стандартлаштириш маҳсулот сифатини оширишда ягона давлат ташкилий-техникавий сиёсатини ўтказиш имконини беради ва мамлакат иқсодиётини бошқариш ва маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида сифатни бошқариш илмий-услубий бирлигини таъминлайди.

Тармоқлараро даражада сифатни бошқариш ҳаётий циклининг барча босқичлари ва бошқариш функциялари бўйича ишлаб чиқиладиган давлат стандартлари асосида амалга оширилади. Бу стандартларда маҳсулот сифатини бошқариш бўйича халқ хўжалигининг барча тармоқлари фаолиятининг умумий меъёрлари келтирилади: сифат бўйича атамалар, сифатни баҳолаш, саноат маҳсулотини аттестациялаш, сифатни бошқариш мажмуий тизимларини яратиш бўйича тавсиялар ва бошқалар.

Тармоқда сифатни бошқариш давлат стандартлари ва техникавий шартлар ҳамда тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиб, чегаралар жорий

килинган ёки давлат стандартлари ривожлантирилган тармоқий тавсиялар ва материаллар бўйича олиб борилади, бу тармоқнинг корхона ва ташкилотлари фаолиятидаги ўзаро боғланишни ташкил этишни яхшилашга қўмаклашади.

Бирлашма ёки корхона даражасида стандартлаштириш аниқ ишлаб чиқаришнинг хусусиятларини: маҳсулот тури, туркумлилик технологик жараёнларни ўзига хос хусусиятлари ва бошқаларни ҳисобга олишга қаратилган. Корхона даражасидаги стандартлаштириш сифатни бошқаришда тармоқ ва тармоқлараро даражалар ўртасидаги зарурий боғланишни таъминлайди

Маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида сифатни бошқаришни амалга ошириш учун сифатни бошқариш тизимларининг ташкилий, техникавий ва услубий асослари бўладиган стандартлар ва техникавий шартлар мажмуи зарур.

2. «Ўздавстандарт» Давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва уларни корхонада қўллаш шартлари.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини утказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият курсатади.

Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

халқ хужалиги тармоқларида — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон;

Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази (“Ўздавстандарт”);

қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялашда — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси);

табiiй ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф муҳитни ifлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида—Ўзбекистон Республикаси Давлат табiiатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Давлат табiiатни муҳофаза қилиш қўмитаси);

тиббiiй мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббiiй техника ашёлари, дори-дармонлар соҳасида ҳамда республика саноати ишлаб чиқараётган, шунингдек импорт бўйича республикага етказиб берилаётган маҳсулотларда;

инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

Ушбу қонунга мувофиқ Давлат бошқарув органлари уз ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартларни (бундан бўён матнда “стандартлар” деб) юритилади), шунингдек ушбу 1 қонунни қўллашга дойр йуриқномалар ва изохларни ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар, руйхатга оладилар, нашр этадилар.

Тадқиқот ва лойихалаш босқичларида стандартлаштириш ёрдамида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

- мазкур маҳсулот ҳамда хом ашё, материал, ярим тайёр маҳсулот ва жамловчи буюмлар, мамлакат ва хорижий фан-техникаси ютуқларини, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сифат тавсифларини мажмуий стандартлаштириш асосида тайёр маҳсулот сифатига бўлган талаблар жорий қилинади;
- буюм вазифаси ва фойдаланиш шароитларига қараб, маҳсулот сифати кўрсаткичларининг ягона тизими аниқланади;
- маҳсулотнинг мақбул сифатини таъминлаш ва ўлчам, русум ҳамда турларининг нораціонал кўплигини бартараф қилиш учун меъёр, талаб ва лойихалаш усуллари жорий қилинади;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини мажмуий механизациялаш ва автоматлаштириш, илмий-техникавий тараққиётни тезлатиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш ҳамда таъмирлаш пайтида иш унумини оширишнинг асосий шarti бўладиган унификация даражасини ошириш таъминланади.

Маҳсулот сифатини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг даражасини кўтаришга сезиларли даражада тармоқлараро стандартлар тизимларини татбиқ этиш кўмаклашади. Бундай тизимлар қаторига конструкторлик технологик хужжатларни тайёрлаш ягона тартибини ўрнатадиган, намунавий технологик жараёнлар, стандарт жихози ва мосламалари ҳамда кўп меҳнат талаб қиладиган технологик жараёнларни мажмуий механизациялаш ва автоматлаштиришни кенг қўллашни назарда тутадиган Конструкторлик хужжатлар ягона тизими (КХҲТ), Технологик хужжатлар ягона тизими (ТХҲТ), Ишлаб чиқаришни технологик тайёргарлиги ягона тизими (ИТТҲТ) каби стандартлар мажмуалари ва бошқалар киради. Стандартлаштиришни татбиқ этиш технологиянинг ишлаб чиқиш жараёнини яхшилаш ва тезлаштириш, технологик мосламаларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришнинг техникавий ва ташкилий даражасини ошириш имконини беради, бу эса янги буюмларни ўзлаштириш учун зарур бўлган вақтни сезиларли даражада қисқартиради ва сифат барқарорлигини таъминлайди.

Стандартлаштириш маҳсулот сифатини оширишда ягона давлат ташкилий-техникавий сиёсатини ўтказиш имконини беради

3. Миллий тизимда сифатни ошириш ва сертификатлаштириш борасида қилинаётган истиқболли ишлар

Барча соҳаларнинг жадал ривожланиши сифатни бошқариш бўйича миллий тизимини такомиллаштиришдир. Бу борада республикамізда ибратли ишлар амалга оширилган.

2009 йил 19 октябр куни "Ўзстандарт" агентлиги Хайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2009 йил 16 октябр куни бўлиб ўтган "2009 йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва шу йил 13 февралда республика Хукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тамонидан белгилаб берилган иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни таоминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги йиғилиши баёни бақида", "Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва унинг таркибидаги корхоналар ҳамда Ёудудий бўлинмалари томонидан **2009 йилнинг 9 ойида амалга оширилган ишлар тўғрисида**", "**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг Иш юритиш ва ижро назоратини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Ёужжатлари ижросининг бориши бақида**", "**Ахборот-маълумот маркази**" унитар корхонаси томонидан **2007 йилдан 2009 йилнинг 9 ойигача бўлган даврда амалга оширилган ишлар тўғрисида**"ги масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда қайд этилдики, "Ўзстандарт" агентлиги тизимидаги корхоналарнинг 2009 йил 9 ойлик якунлари бўйича иш фаолиятида ижобий кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, "Ўзстандарт" агентлиги бўйича ўсишга ўтган 2008 йил 9 ойлигига нисбатан 115,3 фоизни, синов ва сертификатлаштириш марказлари бўйича 113,7 фоизни, Метрология хизматлари кўрсатиш маркази бўйича 115,3 фоизни, Ахборот-маълумот маркази бўйича 107,7 фоизни, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти бўйича 145,5 ҳамда Штрихли кодлаш маркази бўйича 115,3 фоизни ташкил этди.

Хисобот даврида 860 та меоёрий Ёужжатлар ва уларга ўзгартиришлар давлат рўйхатига олинди (2008 йилда 955та). Меоёрий Ёужжатлар давлат фонди шунингдек, 693 та меоёрий Ёужжатлар (137 та ГОСТ, 300 та ГОСТ Р ҳамда 256 та ИСО) билан тўлдирилди (ўтган йилнинг шу даврида 543 та). Шу давр ичида электрон овоз бериш тизимини доимий равишда ишлаб бориши таоминланди ва электрон тизимидан олинган давлатлараро стандартлар ва уларга ўзгартиришларнинг 68 та лойиъаси кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Ёудудида давлатлараро стандартлар ва уларга ўзгартиришларни амалда жорий этиш т ўғрисидаги 11 та қарор қабул қилинди.

Бугунги кунда, Республикада 18 та стандартлаштириш техник кўмитаси фаолият кўрсатиб келмоқда (2008 йилнинг шу даврида - 15 та).

- Сертификатлаштириш Миллий тизимида 82840 та мувофиқлик сертификати берилган бўлиб, жумладан 6508 та Ўзбекистон мамлакатлар сертификатларини тан олиш, 403 та сертификат декларациялаш йўли билан расмийлаштирилди. (2008 йилда 86247 та мувофиқлик сертификати берилган).

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларни экспорт қилиш ўажми ортиб бормоқда. 2010 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 14,3 фоизга ўсди. Халқаро сифат стандартларига мувофиқ фаолият кўрсатаётган корхоналар ўз маъсулотларини сотиш учун янги бозорларни топишга ʼаракат қилмоқда. Бу борада сертификатга эга корхоналар сони кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июнда “Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилингач, халқаро сифат стандартига эътиш янада жадаллашди. Ушбу ʼужжатда 2011 йилнинг 1 январигача мамлакатимиздаги 277 корхона ва ташкилотда халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, уларни яна 952 корхонада қўллаш имкониятларини шрганиш кўзда тутилган.

“Ўзстандарт” агентлигининг сифат менежменти тизимини жорий қилиш бўлимида маълум қилишларича, ҳукуматимиз томонидан тақдим этилаётган имтиёзлар туфайли мамлакатимизда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош сифатли маъсулотлар ишлаб чиқараётган сертификатга эга корхоналар сони тобора ортиб бораётир. Масалан, “Ўзметкомбинат” аксиядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Навоиязот” ва “Чирчиқ трансформатор заводи” очиқ аксиядорлик жамиятлари, “Фарьона нефтни қайта ишлаш заводи” унитар шўба корхонаси каби ва халқаро сифат стандартларини жорий қилган бошқа кўплаб корхоналарнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳамда экспорт салоҳияти анча ўсди.

2010 йилнинг 1 август ʼолатига кўра, мамлакатимизда 265 корхона халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаган.

Республикаимизда 30 дан ортиқ вазирлик ва идора сифатни бошқариш тизимини босқичма-босқич ишлаб чиқиб, жорий этмоқда.

Корхоналар тизимни мустақил ёки маслаҳатчилар ёрдамида жорий этиши мумкин. **Сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш билан шуьулланадиган ихтисослаштирилган консалтинг фирмалар сони 30 тага етди.**

Консалтинг фирма ва компаниялари хизматларига бўлган талаб эса ортиб бормоқда. Бозор корхоналардан ўз ишлаб **чиқаришига ИСО-9001 стандартидан ташқари ОЪСАС 18001:2007 бўйича саломатлик ва**

хавфсизликни бошқариш тизими, ИСО 14001 экологик менежмент тизими каби бошқа стандартларни ҳам жорий этишни талаб қилмоқда.

“Ўзстандарт” агентлиги Олий ва ўрта махсус таолим вазирлиги билан ҳамкорликда ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича аниқ мақсадли ишларни амалга оширмоқда. Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат аграр университетида “Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш ва сифат тизимлари” йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Айни пайтда мазкур ўқув юртларида меънат бозорида талаб юқори бўлган қарийб 400 нафар мутахассис тайёрланди. 2013 йилда уларнинг сони 680 нафарга етказилади. Тошкент кимё-технологиялари институти, Фарғона политехника институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида қўшимча ўқитиш йўналишларини ташкил қилиш ҳисобидан халқаро стандартлар соҳасида ҳам шунча маслаҳатчи тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш илмий-тадқиқот институтида ҳам сифатни бошқариш соҳасида кадрлар қайта тайёрланиб, малакаси оширилмоқда.

Агентликдан маолум қилишларича, ушбу институтда иқтисодиётнинг турли тармоқларида меънат қилаётган тўрт минг нафардан ортиқ мутахассис ўқитилган.

Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида бир нечта корхоналар сертификатланмоқда. Масалан, ИСО 9001:2009 Мувофиқлик Сертификати


“ИДАС ЭЛЕКТРОНИКС СИСТЭМ” қўшма корхонаси 2010 йил феврал ойида миллий ИСО 9001:2009 стандарти бўйича сифат менежменти соҳасида мувофиқлик сертификатини олди. Сертификатлаштириш аудити “TÜV Интернационал Сертификатсион” компанияси Ўзбекистондаги расмий вакили «УИК СЭРТ МАНАГЭМЭНТ» томонидан амалга оширилди. Ҳозирда корхона ИСО Ц 16949 халқаро сертификатини олиш устида фаол иш олиб бормоқда.

4 «Фаргонадонмахсулотлари» ОАЖ ишлаб чиқариш тузилмаси ва махсулот сифатини ташкил этиш таҳлили.

Аҳолини нон махсулотларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш, дон махсулотларига бўлган эркинликни таъминлаш мақсадида «Фаргонадонмахсулотлари» очик акциядорлик жамияти 1994 йил 28 декабрь куни Давлат Мулк Кумитасининг №784к-ПО сонли буйруғига асосан таъсис этилди, 1995 йил 26 январь куни жамиятга 840 сонли мулкый ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери берилди ва 1995 йил 28 февраль куни Фаргона вилоят Адлия бошқармасида 385 ракам билан Давлат руйҳахидан утказилди.

«Фаргонадонмахсулотлари» очик акциядорлик жамиятининг акциялар эмиссияси Фаргона вилояти Кимматли коғозлар бозорипинг фаолиятини назорат қилиш бўлимида 2005 йил 15 июл куни № М0051 рақам билан рўйхатга олинди Эмиссия рисоласига кура «Фаргонадонмахсулотлари» очик акциядорлик жамияти 423931,8 минг сумлик Низом жамгармасига эга ва у 2119609 дона оддий номи ёзилган акцияга бўлинган. Хар бир акциянинг номинал қиймати 1200 сум.

Жамиятнинг мулкида Давлат улуши 51 фоиз , меҳнат жамоа улуши 5,13 фоиз . эркин сотув улуши эса 43,87 фоиз ни ташкил қилади.



1-чизма "Фаргонадонмахсулотлари" ОАЖ мулкнинг тақсимланиши

"Фаргонадонмахсулотлари" очик акциядорлик жамияти Фаргона вилояти Фаргона шаҳри Ал-Фаргоний кучаси 93 уйда жойланади. Умумий эгаллайдиган ер майдони 7.4 га. Фаолшип курсатиш асосий йуналшилари Ишлаб чиқариш бўлим қуйидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради.

- А) ун ва камбикорм маҳсулотлари;
- Б) нон ва булка маҳсулотлари ;
- В) кандолат маҳсулотлари ;
- Г) макарон маҳсулотлари

Булардан ташқари "Фаргонадонмахсулотлари" очик акциядорлик жамиятида ёрдамчи цехлардан

- Механика цехи;
- Энергетик цехи;
- Хош ашё омбори ва материал омбори
- Ишлаб-чиқариш лабораторияси
- Транспорт цехи ва автогараж мавжуд бўлим корхонанинг ишлаб чиқаришини ривожлантиришида бевосита иштирок этади.

Ходимларни яхши ишлашларини ташкиллаш учун Ижтимоий инфраструктура объектлари ҳам яхши йулга қўйилган

- Мед. Пункт

- Ошхона.

Асосий цехлар куйидаги асбаб-ускуналар билан жихозланган.

1. Тегирмон суткалик ишлаб чиқариш хажми 180 тонна.

2. Комбикорм цехи суткалик ишлаб чиқариши 76,6 тонна

3. Мини макарон линияси (2009 йилда ишга туширилди) бир суткада 1548 тонна махсулот ишлаб чиқаради.

Бундан ташкари "Фаргонадонмахсулотлари" очик акциядорлик жамияти бошқа шу каби асбоб ускуналар билан жихозланган (1-жадвал)

1-жадвал

Фаргонадонмахсулотлари" очик акциядорлик жамияти асбоб ускуналар билан жихозланганлиги.

Номи	Сони	Қуввати
2 – тегирмон	1	180 тн в сутки
3 – тегирмон	1	240 тн в сутки
Комбикорм цехи	1	76,6 тн в сутки
Элеватор	1	Ёмкостью 57 тыс. тн.
Мини макаронная линия	7	1548 тн в год
Винклер	3	1056 тн в год
Экмасан	3	825 тн в год
Русская печь	6	990 тн в год
Жарочн шкаф	3	792 тн в год
Уруглик цехи	1	120 тн в сутки

"Фаргонадонмахсулотлари" очик акциядорлик жамиятининг барча ишлаб-чиқарилаётган ва сотилаётган махсулотларнинг охириги истъеомолчиси - шаҳар аҳолисини . Шаҳарда 1 корхона дон махсулотларни ишлаб чиқармокда бундан «Фаргонадонмахсулотлари» очик акциядорлик жамиятининг салмоги 57,8 фоиз ташкил килади . Жон бошига йилда 52,6 кг дон махсулотлари ишлаб чиқарилса бундан «Фаргонадонмахсулотлари» очик акциядорлик жамияти нони 21,2 кгни ташкил килади Фаргона шаҳрида ишлаб чиқарилаётган ун махсулотларининг 90 фопз, кандолат махсулотларининг 10 фоизи корхонамшда ишлаб чиқарилади. Махсулотларни сотишда жамият тугри истъеомолчиларга , яъни аҳолига сотиш , ва мустакил юридик шахсларга , тадбиркор ва хусусий корхона яъни улгуржи ёки чакана сотувчиларга , таркатиш усуллари

билан фойдаланади. Амалда нон махсулотларнинг 60-70 % уз фирма дуқонлари оркали сотилиб . жамиятга хар ойда уз товар айланмасини 40-50 млн сумгача етказилади ва жамият ихтиёрида коладиган савдо чегирмасидан умумий натижага кушимча фойда келтириш имкониятини беради . Умумий нон махсулотларни сотиш тартиби куйидагича



2-чизма. "Фаргонадонмахсулотлари" очик акциядорлик жамиятининг нон махсулотларни сотиш тартиби (сотиш улушлари фоизларда)

Кандолат ва макарон махсулотларининг 60-75 фоизии «Иссик нон» фирма дуқонлари оркали колган кисми эса «Саховат» АУ ва хусусий фирмаларга сотилади .

5.Сифатни бошқаришда сертификатлаштириш самараси.

Нон махсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун – ишончлик сифат сертификати олиш бугуннинг талабидир. Бу корхонани ўзига ишонган холда узок муддат давомида стабил фаолият юритишларини таъминлайди. Айнан ана шундай вазиятда Sertifikat - NON” ОАЖ хам ўзини келажаги ишончлик қўлларда эканига ишонади.

Хозирда ИСО - системасига мувофиқ сифат сертификатини эртанги куни хақида хам ўйлаяпти, бу доимо инвестицион ва инновацион сохаларда актив иштрок этиш ва Ўзбекистон маркаси обрўсини оширишдир.

Халқаро ИСО - системаси талаблари асосида мувофиқлик сертификати олинса махсулот сифати ва самарадорлик куйидаги босқичларда намоён бўлади.

ИСО – 9000-2000 бу ҳақийқий сифат.

Чизма № 3

0	ИСО – 9000-2000 талабларига тўла жавоб бериши.	∞
1	Махсулот сифатини ошиши.	1%
2	Рақобатбардошликни ошиши.	2%
3	Бозордаги мавқеини ортиши.	3%
4	Товарни сотилиши ҳажмини ўсиши	4%
5	Махсулот ишлаб чиқаришни ортиши.	5%
6	Махсулот таннархини пасайиши.	6%
7	Иқтисодий самарадорликни ортиши.	7%

Манба: Магамедов М.Д., Рыбин А.В. Управлением качеством, в отраслях пищевой промышленности М. 2006. 9-25.

Чизмада акс эттирилган ҳар бир поғонадаги самарадорлик 1%дан ортиб борса умумий самарадорлик 28-30 %ни ташкил қилади. Бундай ҳулосага муаллифлар, АҚШ, Япония ва бошқа иқтисодий жихатдан тараққий этган мамлакатлар тажрибасини Россияда олиб борилаётган ислохатлар билан таққослаб кўриш натижасида келганлар.

Демак ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ва бозорда сотувчи ўз олдида ИСО – системаси даражасидаги сертификатни олишга интилади.

5. “Сертификат - NON” ОАЖнинг мижозлари Сертификат – NON корхонасининг асосий мижозлари Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи (Республикамизнинг барча ҳудудларида):

- Йирик корхоналар;
- Кичик бизнес субъектлари;
- Якка тартибда фаолият юритувчи нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

6. Корхонанинг (“Сертификат - NON” ОАЖ) ишлаб чиқариш махсулоти. Нон ва нон махсулотлари сифатини кафолатловчи ИСО – 1900-2001 – системасига тўла жавоб берувчи сертификат беришдир.

Махсулот сифатини аниқлашда унинг норматив техник хужжатлари талаб даражасида бўлиши ва барча ахборот манбаси ва уни қайси усул билан аниқланишига назарий таъриф берган, М.Д Магомедов, А.В. Рыбинлар кўплаб тажрибалар асосида яратган хулосаларни чизма кўринишида ифодалаймиз.

Сифат даражасини аниқлаш методи

Чизма № 4



Манба: Магомедов М.Д., Рыбин А.В. “Управление качеством” Москва 2006 44-45. (2.2.)

Корхона ўз махсулотига мувофиқлик сертификати олар экан 4 – чизмадаги барча усулларга мурожаат қилган бўлади ва ижобий натижалар асосидаги барча хужжатлар корхонада сақланади ва бу корхонанинг фаолияти турлари сирасига киради.

Корхона ўз махсулотини норматив техник хужжатлар асосида сифат даражасини аниқлаб кўришлари лозим бўлади.

М

К

$$Q = \frac{M}{K_b};$$

Бунда: Q – сифат даражаси кўрсаткичи;


K – муайян махсулот сифатининг абсолют кўрсаткичи;

K_b – махсулот (эталон)нинг абсолют сифат кўрсаткичи.

Таъриба асосида олинган натижа $Q = 1$ бўладиган бўлса махсулот сифати эталон кўрсаткичга тенг бўлиб қолаверади, бу албатта ижобий натижадир.

Сифат даражаси $Q > 1$ ёки $Q < 1$ бўладиган бўлса, демак махсулот сифат даражасида ўзгариш юз берган.

Сифат ва рақобатбардошликни таъминловчи уч омил. Чизма № 5



Ҳар уччала омилнинг умумий кесишган бир нуқтаси борки, бу, сифат ва рақобатбардошликдир. Корхона махсулоти ҳар уччала ҳолат бўйича халқаро ИСО – стандартларига мос равишда олиб борилса нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларини албатта топади.

Бу борада “Sertifikat - NON” ОАЖ билан рақобатлашувчи корхоналар мавжуд. Бу корхоналар ўзининг техникавий таъминоти билан фарқ қилиши мумкин. Масалан, махсулот сифатига баҳо беришда халқаро стандартлар талабини яратилишида “Бутун дунё соғлиқни сақлаш” (ВОЗ) уюшмаси тавсияномаси албатта инобатга олинади. Айрим техник жихозларнинг аниқлик даражаси жуда паст бўлади. ФЕК – 56 аппаратини имконияти озик-овқат таркибидаги антиоксидант миқдори 0,120 мг/кг бўлса бир суткалик давомида истеъмол қилиниши мумкинлигини кўрсатади. Амалда ушбу аппарат озик-овқат таркибидаги антиоксидант миқдорини аниқлай олмайди. Ваҳоланки, айрим тадбиркорлар ўз махсулотларини ташқи кўринишини, таъмини ва сақлаш муддатини узайтириш мақсадида, антиоксидант моддалар миқдорини бир неча баробар кўпайтириб юборадилар. Шунинг учун аниқлик даражаси жуда юқори бўлган анализаторлар ишлатилади, улар 10^{-5} дан 10^{-17} даражасигача аниқликда ишлайди. Бундай усулда аниқланиши ва мувофиқлик сертификати бериш махсулотни саломатликка зарари йўқлигини билдиради.

Бу борада “Ўздавстандарт” уюшмаси мувофиқлик сертификати берувчи барча корхоналарни мунтазам равишда техник назоратдан ўтказиб туради.

Хозирги кунда нон ва нон махсулотларига қўшиладиган айрим тўлдирувчилар инсонлар саломатлиги учун хавфли ҳисобланади, шунинг учун уларнинг миқдорини аниқлашда айнан шу мақсад учун кераклик

химикатлар, аппаратлар ва энг мухими малакали ходимлар бўлиши шарт хисобланади.

“Sertifikat - NON” ОАЖ фаолияти бевосита бозор билан боғлиқ дейиш мумкин.

“Sertifikat - NON” ОАЖ томонидан кўрсатилган хизмат турлари.

Жадвал № 1

Йиллар	Нон ва булочка махсулотлари	Макарон махсулотари	Қандолат махсулотлари
2003	369,3 мил. сўм	117,0 мил. сўм	16,5
2004	500,0 мил. сўм	303,0 мил. сўм	20,7
2005	160,0 мил. сўм	540,0 мил. сўм	500,0
2006	165,0 мил. сўм	926,0 мил. сўм	531,0
2007	176,0 мил. сўм	820,0 мил. сўм	480,0

Манба: “Sertifikat - NON” ОАЖ хисоботидан.

Юқорида келтирилган жадвалдан шуни аниқлаш мумкинки “Sertifikat - NON” ОАЖ корхонаси асосан нон ва булочка, макарон ва қандолат махсулотлари учун мувофиқлик сертификати берилган. Кўрсатилган хизматлар учун тўланган пул миқдори нон ва булочка махсулотлари учун йилдан йилга камайиб борган, 2004 йилда 500,0 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, 2007 йилда 175,0 миллион сўмга камайиб кетган. Макарон махсулотларига 2003 йилда 117,0 миллион сўмлик мувофиқлик сертификати берилган бўлиб 2007 йилда 820,0 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган. Қандолат махсулотлари бўйича 2003 йилда 16,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган, 2007 йилда 480 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган. Беш йилдаги ўсиш 29,0 маротабани ташкил қилиб, нон ва булочка махсулотлари бўйича 2,1 баробарга пасайиб кетган.

Ҳар уччала махсулот тури бўйича бозорни ўрганиш, маркетинг тадқиқотлари натижасини назарий жихатдан таҳлил қилсак, асосий сабаб макарон ва қандолат махсулотларининг айрим турлари импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган бўлганини кўрамиз. Бундай натижаларга эришиш махсулот сифатини баҳолашда халқаро ИСО талабларига тўла жавоб беришидадир. Яна бир сабаб, янги технологияни соҳага тадбиқ этилишидадир.

7. “Sertifikat - NON” ОАЖнинг бевосита бозор билан боғлиқлиги маркетинг бўйича таҳлилни тақозо этади ва SWOT анализни келтириб чиқаради. Нон ва нон махсулотлари, макарон махсулотлари ва қандолат товарлари бўйича бозор талабини ўрганилса ички бозорларимиздаги кучлик ва нозик тарафларини кўрамиз:

Устивор йўналишлар



Истеъмол бозори SWOT анализи

“Sertifikat - NON” ОАЖ томонидан мувофиқлик сертификатини олган нон ва нон махсулотлари, макарон махсулотлари ва қандолат товарларига бўлган талабнинг бозордаги ҳолати.

Жадвал № 2

№	Кўрсаткичлар	Тошкент шаҳрида	Вилоятларда
1	Талаб ҳолати	Юқори	Ўртача
2	Талабни тақлифга мослиги	Ўртадан юқори	Ўртача
3	Рақобатчилик	Жуда юқори	Ўртачадан юқори

Бундай тартибда таҳлилиларни ўтказиш корхонанинг кейинги ишлабчиқариши сифатини таъминлашга ижобий таъсир ўтказади.

Хулоса ва таклифлар

Хозирги замондаги жахон бозорида таклиф талабдан ошади ва бунда истеъмолчи хукмдор. У бирор бир маҳсулотни танлашда узини талабларини кониктирадиган даражадаги маҳсулотга эътибор беради ва уни харид қилишга тайёр.

Шунинг учун маҳсулотнинг бозори чаккон ва рақобатбардош булишлиги янгиликлар ва сифат кўрсаткичи оркали истеъмолчининг кутилаётган талабини кондиришига боғлиқ булади.

Маҳсулот сифатини бошқариш – маҳсулот сифати даржасини жорий қилиш, таъминлаш ва зарурий даражада ушлаб туриш мақсадида лойихалаш, таёрлаш ва фойдаланиш(ёки истеъмол қилиш) пайтида амалга ошириладиган ҳаракатлар мамуасидир. Сифатнинг зарурий даражасини жорий этиш тадқиқот қилиш ва лойихалаш босқичида мамлакат ҳамда хориждаги энг илғор илмий – техникавий ютуқлар тахлили асосида амалга оширилади. Мазкур босқичда сифатни бошқариш муҳим аҳамиятга эга, чунки шу ерда бўлажак маҳсулотнинг асосий техникавий–иқтисодий ва фойдаланиш кўрсаткичлари хисобланади ва уларга асос қўйилади. Бу кўрсаткичлар истеъмолчиларнинг замонавий талабларидан юқорироқ бўлиши керак, чунки янги маҳсулот савдо соҳасига чиқишига қадар унинг сифат кўрсаткичлари маънавий эскириб қолиши мумкин.

Маҳсулот сифатини таъминлаш ишлаб чиқариш босқичида амалга оширилади. Бу ерда маҳсулот сифати маҳсулотни таёрлаш меъёрий–техникавий ҳужжатлар, жихзлар, ускуна ва асбоблар, олинадиган хом ашё, материал ва жамловчи бўмлар сифати билан аниқланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини баҳолаш мезони сифатида амалдаги техникавий–иқтисодий кўрсаткичлар лойиха ҳужжатларда, яъни биринчи босқичда кўзда тутилган мос кўрсаткичларга мувофиқлик даражаси хизмат қилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатини сақлаб туриш. Айланиш ва сотиш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш босқичларида амалга оширилади. Маҳсулот айланиши ва сотилиши сифати сақлаш ва транспортли сифатларидан йғилади. Фойдаланишдаги маҳсулот сифатига келганда, у фойдаланиш ва таъмирлаш ҳужжатлари, фойдаланиш ва таъмирлаш жихозлар, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материаллар сифатларига ҳамда фойдаланувчи ходимлар малакасига боғлиқ. Фойдаланишда маҳсулот сифатини баҳолаш мезони унинг кўрсаткичлари илова қилинган техникавий ҳужжатларда қайт қилинган мос кўрсаткичларга, яъни кондириш зарур бўлган амалий эҳтиёжлара мувофиқлиги даражасидир.

Сифатни бошқаришда раҳбарлар ва ходимларни ушбу соҳадаги билимларини оширишга ундай билиш зарур. Бошқарув тизими корхоналарни биринчи раҳбарига боғлиқ ва шунга кўра тизимни қўллаб-қувватлашга жалб этиш унинг ривожини таъминлайди. Раҳбарлар учун ташкил этилаётган ўқув вазифаси корхоналарнинг стратегиясини сифат соҳасидаги сиёсий ва мақсадалар воситасида аниқлашдан иборат. Ушбу курс бутун жараёнларни назорат қилишнинг тасосий усуллари ва стратегияси ижроси назоратини

камраб олади. Бу эса рахбарларни корхонани ривожлантириш, рақобат бардаошлиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида тегишли қарорлар қабул қилиш учун ўз вақтида ахбортлар билан таъминлайди. Курс биринчи рахбарлар, шунингдек, сифат бўйича рахбарият вакиллари учун зарурдир. Ўқув дастурида қуйдаги мавзуларни кўриб чиқиш керак:

** Корхонани ривожлантириш стратегияси ва ISO 9001 талаблари бўйича.*

- СМТ нинг асосий қонун - қоидаларини амалга ошириш.
- Жараёнли ёндошувни ўзига хослиги.
- Корхона жараёнларининг фойдалилиги ва самарадорлиги.
- Жараёнлар мониторинги.
- Юқори рахбарият ва турли даражадаги рахбарларнинг корхоналар СМТ нинг ривожлантиришдаги роли.
- Корхоналар СМТ нинг такомиллаштиришга амалий ёндошувлар.
- Сифат менижменти бўйича халқаро тажриба.

Бундай ўқув курслари мамлакатимизда ҳам кенгрок даражада ташкил этиш корхоналарда махсулот сифатини юқори даражада бўлишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ислон Каримов «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги маърузаси
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: - Т.: «Ўзбекистон», 2003.-40 б.
3. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бошйўлимиз. «Халқ сўзи», 15-феврал 2002 йил.
4. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005.
5. Каримов И.А. Янгича ҳаётни эскича қарашлар ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайдиган. Халқ сўзи. 2005 йил 15 февраль, 3-бет
2. Абдувалиев А. и др. Основы стандартизации, сертификации и управления качеством. –Т.: «fan va texnologiya», 2005
3. Амирджанянц Ф.А. Экономика и качество. – М.: Издательство стандартов, 1987.
4. Бендеровский А.М. обеспечение качества продукции. –М.: издательство стандартов, 1988.
5. Гличев А. В. Основы управления качеством продукции. МС.: «Стандарты и качество», 2001
6. Ильенкова С.Д. и др. управление качеством. –М.: издательское объединение «ЮНИТИ», 1999.
7. Леонов И.Г., Аристов О.В. управление качеством продукции. –М.: Издательство стандартов, 1990.
8. Менеджмент качество экспорта: Книга ответов для предприятий-экспортеров малого и среднего бизнеса. –Б.: Аль Салам, 2005. –318 с.
9. Перегудов В.Л. ва бошқ. Махсулот сифати ва рақобатбардошлигини бошқариш. Т.: «Молия», 2002
10. Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2002.
11. Уткин Э. А. Курс менеджмента. Учебник. М.: Зеркало, 2000 2 изд.

